

62-боб. Шўрва сувини кўпроқ қилиб, қўшниларга улашиш



14:02 / 05.10.2019 2167

ادِوِ فِ اِرْطَالِ اِعْجَمِ دَبْعَلٍ وَّلَوْ عِي طَاوُ عَمَّ سَأَ: ثَالِثُ بَابٍ يَلِي لَخِ يَنْصَوُا: لِ اَقْرَرْدِ يَبْأَنْ عِ
فِ وُزْعَمِ بُوْنَمُ مُمُوبِ صَافٍ لَكَ نَارِي حَنْ مِ تَبِيْبِ لَهْ رُطْنًا مُمُوثًا، اءَامَ رَثْكَ اَفَّهَ قَرَمَ تَعَنْصَ
يَهْفُ اِلِوِ، كَتَّ اَلْصَ تَزْرَحْ اَفَّ دَقْفِ، يَلْصَ دَقَمَ اِلِ اَتَدَجَّ وُنِ اِفْ، اءَتَقَوْلَ اَلْصَلَّ اَلْصَوِ
ءَلْفَانُ.

Абу Заррдан ривоят қилинади:

«Менинг халилим соллаллоҳу алайҳи васаллам уч нарсани тавсия қилганлар:

Қўл-оёқлари кесилган қулга ҳам (агар у бошлиқ қилиб тайинланса) итоат қилишим, гапига қулоқ солишим.

Шўрва қилсанг, сувини кўп қил. Сўнгра қўни-қўшниларнинг аҳли байтига назар сол. Эҳтиёжларига қараб ундан уларга ҳам улаш.

Намозни ўз вақтида ўқи. Имомни намозни ўқиб бўлган ҳолда топсанг, намозингни сақлаб қолган бўласан, бўлмаса (буниси) нафл бўлади».

Шарҳ: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадиси шарифларида уч муҳим ишга тавсия қилмоқдалар. Буларга алоҳида эътибор бериш ва уларга амал қилиш ҳар бир мусулмондан матлубдир.

Ҳар бир жамиятда тўғри йўлдаги раҳбарга итоат қилиш муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун мусулмонлар жамиятида бу ишга алоҳида эътибор берилган. Бу ҳолат кўпгина яхшиликларни жалб қилиш билан бирга, кўпгина ёмонликларни даф ҳам қилади.

Иккинчи тавсия қўшнига яхшилик қилиш ҳақида бўлиб, ҳеч бўлмаса шўрванинг сувини кўпроқ қилиб бўлса ҳам қўшнидан хабар олиб туриш тавсия қилинмоқда.

Албатта, бу тавсияга амал қилиш қўшнилари орасидаги алоқаларнинг ва улар орасидаги муҳаббат ришталарининг мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

Гап шўрва ёки унинг ичидаги гўшт, ёки сувда эмас, балки инсон зотида бўлган эҳтиром ҳиссида эканини ҳамма яхши билади. Бу иш қўшнилари орасидаги алоқанинг мустаҳкамланиб туришига хизмат қилади. Озиқ-овқат танқис пайтларда эса унинг аҳамияти яна ҳам зиёда бўлади.

Бу ҳадиси шарифдаги нозик нуқталардан бири қўшнига яхшилик қилиш тўғрисидаги набавий тавсиянинг мусулмонлар раҳбарига итоат қилиш ва намоз каби икки улкан иш орасида келганидир. Мана шунинг ўзи Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшнига яхшилик қилишга қанчалар эътибор берганларини яққол кўрсатиб турибди.

Учинчи тавсия намозни вақтида ўқиш кераклиги ҳақида. Албатта, мусулмон шахс ва жамият ҳаётида намознинг тутган ўрни ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бу ҳаммага равшан ҳақиқат. Аммо ҳадисдаги намоз ҳақида келган ибораларни аниқ тушуниш учун уларни бир оз шарҳ қилишга тўғри келади.

«Намозни ўз вақтида ўқи. Имомни намозни ўқиб бўлган ҳолда топсанг, намозингни сақлаб қолган бўласан, бўлмаса (буниси) нафл бўлади».

Яъни баъзи сабабларга кўра намозни ўз вақтида ўқиб олиб, сўнг масжидга борсанг, имом намозни тугатган бўлса, ҳечқиси йўқ. Чунки сен ўзинг уни ўқиб олгансан. Имом тугатмаган бўлса, иқтидо қиласан ва буниси сенга нафл намоз бўлади.

Ушбу ҳадисдан олинган фойдалар:

1. Мўмин-мусулмонлар раҳбарларига итоат қилишлари лозимлиги.

2. Ўз таомини кўпроқ қилиб, қўшнилари билан баҳам кўриш яхши иш экани.
3. Намозни вақтида ўқиш фазилат экани.
4. Намозини ўқиб олган одам ўша намозни ўқийётган имомга иқтидо қилса, кейинги намоз унинг учун нафл бўлиши.
5. Қўшнининг ҳаққига алоҳида аҳамият бериш кераклиги.

دَعَا تَوَدَّ قَرْمَلًا مَرَّتْ كَأَفَّةٍ قَرْمَلًا تَخَّ بَطَّ إِذْ رَزَّ أَبَا أَيُّوبَ بْنِ لَاقٍ لَاقٍ لَاقٍ رَزَّ بَابَ نَعَجٍ
«كَانَ أَرِيحُ فِي مَسْقٍ وَأَنَّكَ نَارِيحُ».

Абу Заррдан ривоят қилинади.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Абу Зарр! Шўрва қилсанг, сувини кўпайтиргин-да, қўшнилариңдан хабар ол ёки қўшнилариңга ҳам тақсимлаб бер», дедилар».

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда ҳам қўшничилик алоқаларини яхшилашнинг энг халқчил омилларидан бири ҳақида сўз юритилмоқда. Кўп нарса талаб қилинмайди. Шўрванинг сувини мўлроқ қилиб, ундан қўшнига ҳам берилади.

Гап таомда эмас. Гап қўшнига бўлган эътиборда. Бу муомаладан қўшни хурсанд бўлади. У ҳам жавоб тариқасида яхшилик қилишга ўтади. Оқибатда жамият аъзолари орасидаги ижтимоий алоқалар мустаҳкамланади. Бу эса ҳар бир жамият учун ниҳоятда керакли омилдир.

«Одоблар хазинаси» китобидан